



O'zbekiston Respublikasi  
IIV nashri

ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

# POSTDA



Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqqan boshlagan • E-mail: postda@mail.uz • 2015-yil 3-oktabr, shanba • № 40(4141)

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли устоз ва мураббийлар!

Авваламбор, сиз, азизларни умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва сამимий тилакларимни изхор этаман.

Бу дунёда ҳар қайси онгли инсон – қаерда ишлагани, қандай касбу қор, лавозим эгаси бўлмасин, унга билим ва тарбия бериб, ҳаётга йўллаган муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлари олдида ҳамиша қарздорлик ҳисси билан яшайди.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб кўри, бутун борлигини бағишлаб, барчамизга эзгуликдан сабоқ берган, отадек мўътабар, онадек меҳрибон сиз, азиз устозларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган машаққатли ва шарафли меҳнатингиз учун ҳар қанча таҳсин ва ташаккурлар айтсак, арзийди.

Муҳтарам ўқитувчи ва муаллимлар!

Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, тарихан қисқа даврда, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва матонати билан дунё миқёсида “ўзбек модели” деб тан олинган, ўзимизга хос, ўзимизга мос тараққиёт йўлини амалга оширганимиз ҳисобидан бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати тобора юксалиб бораётгани барчамизга мамнунлик бағишлаб, яқин ва узок

қўшниларимизнинг ҳавасини тортмоқда, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бундай барқарор суръатлар билан ривожланишга эришиш учун биз қандай оғир йўлни босиб, турли синов ва қийинчиликларни, ғов ва тўсиқларни енгиб ўтганимиз, бугунги юксак марраларни қўлга киритишда ҳал қилувчи роль ўйнаган омил ва мезонлар ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритганда, авваламбор, амалда ўзини оқламаган эски мустабид тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган, тез ва шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб, янгича, мустақил фикрлайдиган, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, изланиш ва доимо изланиш, ғурур ва ифтихор билан яшайдиган янги авлодни тарбиялаш бўйича қандай улкан вазифаларни адо этганимизни яна бир бор эслашимиз ўринли, деб ўйлайман.

Ўз-ўзидан аёнки, биз мустақил ҳаётга қадам қўйиб, энг ривожланган мамлакатлар қаторига киришни, юртимизда демократик давлат, обод ва фаровон жамият қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун аввало айна шундай буюк ишга қодир бўлган янги авлодни вояга етказмасдан туриб, бу йўлдаги барча-барча ҳаракатларимиз пучга чиқиши муқаррар эди.

(Давоми 2-бетда).



**Республика ИИВ Академияси ички ишлар идораларига юксак малакали, профессионал кадрлар тайёрлаш бўйича нафақат мамлакатимизда, ҳатто минтақада ҳам нуфузли таълим муассасаларидан ҳисобланади. Бундай ютуққа эришишда бўлгуси осойишталик посбонларига фидойилик билан таълим-тарбия бериб келаётган профессор-ўқитувчиларнинг муносиб ҳиссаси бор.**

## ОТА КАБИ УЛУФ ЗОТ



Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Ана шундай инсонлардан бири ИИВ Академияси тезкор-қидирув ҳуқуқи кафедраси бошлиғи, доцент, полковник Бахтиёр Зокировдир. У болалигидан ички ишлар идоралари

ходими бўлишни орзу қиларди. Чунки отаси шу соҳада узоқ йиллар республикаимизнинг турли ҳудудларида масъул лавозимларда хизмат қилган. Отаси каби мард ва жасур хо-

дим бўлиш орзуси уни ИИВ Тошкент олий мактаби сари етаклайди. Олган чуқур биллими ва тиришқоқлиги унинг мазкур таълим муассасасини имтиёзли диплом билан та-

момлашига замин яратди. Б. Зокировнинг биллими ва ҳаракатчанлигини кўрган ИИВ Академияси раҳбарияти уни таълим масканида фаолият кўрсатишга таклиф этди...

Шу тариқа унинг ҳаёти, фаолияти ушбу таълим муассасаси билан чамбарчас боғланди. Орадан кўп ўтмай, «Наркотик воситаларнинг ноқонуний айланиши жиноятини очиш

тактикаси ва уни ташкил этиш» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Лавҳамиз қаҳрамони хизмат фаолияти давомида ёшларга касб сирасорларидан сабоқ беришдан ташқари, илмий изланишлар ҳам олиб борди. Ҳозирги кунда у тингловчиларга ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятида бошқарувни ташкил этиш фанидан дарс бериб келаётир.

Таҷрибали устоз раҳбарлик қилаётган тезкор-қидирув ҳуқуқи кафедрасида тергов ва жиноят-қидирув ходимларига сабоқ берилди. Кафедра ташкил топгандан бери унда малакали раҳбарлар, изланувчан олимлар, ички ишлар идоралари фахрийлари: Ф. Убайдуллаев, А. Полозов, Р. Саитбаев, Э. Моргуновский, А. Ҳамдамов, Х. Хўжақулов, В. Каримов каби ўз соҳасининг етук билимдонлари фаолият юритган.

(Давоми 8-бетда).





## ОНАМДАЙ МЕХРИБОН, ОТАМДАЙ АЗИЗ

**К** узнинг шамоллари эсяпти яна, юракни ўртайди ажиб туйгулар, ўтган дамларни-ку, қулиб эслармиз, келажакда кутар бизни нималар?

Билмасдим ҳаётни, ғамни, ташвишни, ҳатто қувонардим биров қайгурса, ўзимча шод бўлиб ўтган кунимдан, ўмбалоқ ошардим тепаликларда. Шунда бари бирдан кетди ўзгариб, ҳаётимда пайдо бўлди бир сиймо, у сабаб танидим оқу қорани, ажрата бошладим дўстни душмандан, йиқилсам меҳр-ла тургазиб қўйиб, мудроқ қалбларимга таратди зиё...

Шу кундан яшашни ўргандим секин, ким кулса қувончи меники бўлди, ногаҳон қайгурса овутидим яна, йиғласа қўшилиб йиғлашим мумкин, ёши катталарга берардим салом, кичикни укам деб бағримга босдим, йўлларда қўшиқлар қилиб хиргойи, ҳар тонг мактаб томон югурдим, шошдим.

Мен ҳали билмасдим, бегона инсон, нега ўқи дея жон куйдиришин, ҳатто тушунмасдим, битта сабоқни эринмай юз марта тушунтиришин, аммо ташлагандим, ҳис этдим аниқ, ўзимнинг энг ёмон одатларимни, ўйлаб ўйларимга етолмасдим лек, бундай меҳрибонлик сабабларини... Ёки кўрганмисиз, ўзи қойиб, сўнг йиғлаганингиздан ранжиганини, ай-



тинг, билганмисиз сумкачангизга ширинликлар солиб сийлаганини? Қалбимни ёритар сиз ёққан чирок, онамдай меҳрибон, отамдай азиз, хатоларим кўриб, қуюнган лекин, нега ранжитсам-да қойимадингиз?

У Сиз эдингиз-ку, камтар, ҳокисор, наҳотки, айтмади бу ҳақда ҳеч

ким? Шафқатсиз йилларга боримни бердим, юзимни тирнади содиқ дўстларим, мени ўзига энг яқини санаб, жар томон судради ишонганларим, шунда қадрингизга етгандай бўлдим, акс садо берди ўғитларингиз, қалбим меҳр истаб оғринган экан, соғинган эканман Сизни, муаллим!



Буни англашимга қўп фурсат кетди, бугун кўзимда ёш билан эслаймман, ҳар тонг отар экан, сабоғингизни, болалик пайтимни, Сизни қўмсайман!

Суҳбат қураяпман сиз билан ёлғиз, дилимдан кечгани ўзимга аён, айтган сўзларингиз бари рост чиқди: яхши-ёмон кунлар яшар ёнма-ён. Анча енгил тортдим, кўнглим исиди, ҳорғин вужудимдан ариди ғашлик, ўзимни кимгадир керак деб билдим, танамга қайтгандай бўляпти ёшлик. Аммо қийнар гоҳи ҳадсиз саволлар, ҳаёт меҳрибонлик қилмади Сиздай, берган саволларим бари жавобсиз, биров юз ўгирса чорлади бири, менимча, яшашнинг мантиғи шунда. Бироқ бугун ором олмоғим тайин, чунки ҳис этяпман меҳрибон тафтини, қадоқ қўлларингиз бағримга босиб, гоҳ дарёдай тошдим, учдим қуюндай, баъзан қушлар каби сайрадим, тиндим, кафтимни дуога очиб сўрайман, Сизга узоқ умр ҳамда сўнмас бахт, қулоқ тутсангиз бас, азиз инсоним, дилимда борини Сизга илиндим.

Боғларга хазонлар тўкилган яна, умр ўтишини эслатяпти рост, ечим тополмасам муаммоларга, Сизнинг ёнингизга бораман, Устоз.

Танам зирқиради, қалбим қонади, сочингизга қўнган қировни санаб, улар тим қорайди ўшанда, аммо ҳарфларни ўқирдим ҳали ҳиж-жалаб...

Шерзод АБДУСАМАНОВ.

Эълон \*\*\* Эълон \*\*\* Эълон \*\*\* Эълон \*\*\* Эълон \*\*\* Эълон \*\*\* Эълон \*\*\* Эълон \*\*\* Эълон \*\*\* Эълон

## ДИҚҚАТ! «ЖАМИЯТ ВА МЕН» ТАНЛОВИ



Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун «Жамият ва мен» танловини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВ ва давлат ҳокимия-

ти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ижодий ишлар махсус йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг молиявий кўмагида ўтказилади.

### Танлов йўналишлари:

- ▶ ижтимоий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- ▶ иқтисодий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- ▶ тарихий ва маданий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- ▶ сиёсий мавзуда ёритилган энг яхши материал;
- ▶ илмий-техник мавзуда ёритилган энг яхши материал;

- ▶ спорт мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- ▶ ижтимоий шериклик мавзусида ёритилган энг яхши материал;
- ▶ жамоатчилик назорати мавзусида ёритилган энг яхши материал.

### Махсус номинациялар:

- ▶ «Ўз даврининг қахрамони» мавзусида энг яхши мақола;
- ▶ «Янги авлод» мавзусидаги энг яхши мақола.

### Танловни ўтказиш шартлари ва тартиби

Танловга номзодлик учун тақдим этиладиган материаллар 2015 йил 1 январдан 1 декабригача босма нашрларда чоп этилган бўлиши керак. Улар юксак касбий даража билан ажралиб туриши ва қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

- ▶ тақдим этилган мавзуга мувофиқлик;

- ▶ мавзунинг ёритишда асослилик ва ўзига хослик;
- ▶ материалнинг мазмундорлиги ва тушунарлилиги;
- ▶ аниқ ва ишончли маълумот.

Танловда иштирок этиш учун аризалар мазкур эълон чоп этилган вақтдан бошлаб 4 декабрга қадар Тошкент шаҳар – 100129, Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича қабул қилинади. Мурожаат учун: (371) 244-14-28

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари махсус диплом ва ноутбук билан тақдирланади.

Танловга юборилган материаллар қайтарилмайди, улар учун тақриз ёзилмайди ва ҳақ тўланмайди.



ЎЗБЕКISTON  
RESPUBLIKASI  
IV BIRLASHGAN  
TAHRIRIYATI

MUASSIS:  
ЎЗБЕКISTON  
RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR  
VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinbosari –

**Qobiljon SHOKIROV**

Mas'ul kotib v.b. –

**Zokir BOLTAYEV**

Navbatchi –

**Foziljon MAMASHARIPOV**

Sahifalovchi –

**Rustam ISOQULOV**

Matn ko'chiruvchi –

**Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR:

231-33-88;

Faks: 254-18-79.

ISSN 2010-5355



9 772010 535001

Tahririyat  
hisob raqami  
20210000900447980001,  
MFO 00420.  
ATIB  
«Ipotekabank»  
Mirobod  
tuman bo'limi.  
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma  
va suratlar egasiga qaytarilmaydi.  
Nashrimizdan ko'chirib bosil-  
ganda «Postda» dan olinganligi  
ko'rsatilishi shart.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa  
ijodiy uyi bosmaxonasida chop  
etildi. Korxonaning manzili: Alisher  
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga  
olingan. Buyurtma №S-4061. Bosilish – ofset usulida.  
Hajmi – 4 bosma taboq. 67840 nusxada chop etildi.  
Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar  
uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 22.00.  
Bosishga topshirildi – 21.00. Sotuvda kelishilgan narxda.

**MANZILIMIZ: 100070, Toshkent shahri,  
Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi, 1-uy.**